

**«ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ» ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ЎЙИН
ЭЛЕМЕНТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАРДА КЛИНИК
ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛИ СИФАТИДАГИ САМАРАДОРЛИГИ**

Самиева Г. У., Нарзулаева У. Р., Холиқова Ф. Ф., Саидова Ф. С., Лапасова З.Х.

Самарқанд давлат тиббиёт институти, Самарқанд

✓ **Резюме,**

Патологик физиология фани клиник фанларнинг фалсафаси деб бежизга айтилмаган. Ушбу предметни ўқитиш давомида талабаларда дастлабки клиник тушунча ва мустақил фикрлаш шаклланади. Ўқитиш жараёнида таъкидлаштиришда бўлажак шифокорларнинг касбий фаолиятига туртки ва мустақил клиник фикрлашни ривожлантиришда ишбилармонлик ўйинлар интерактив таълим наъмунаси бўлиб хизмат қилади

Калит сўзлар: таълим, тиббиёт, инновацион технологиялар, патологик физиология, клиник фикрлаш, талабалар.

**ИННОВАЦИОННЫХ ИГРОВЫХ ЭЛЕМЕНТОВ В ОБУЧЕНИИ ПРЕДМЕТА
«ПАТОЛОГИЧЕСКАЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ФИЗИОЛОГИЯ» КАК ЭФФЕКТИВНЫЙ
МЕТОД ФОРМИРОВАНИЯ КЛИНИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У БУДУЩИХ ВРАЧЕЙ**

Самиева Г. У., Нарзулаева У. Р., Холиқова Ф. Ф., Саидова Ф. С., Лапасова З. Х.

Самаркандский государственный медицинский институт, Самарканд

✓ **Резюме**

Неслучайно наука о патологической физиологии является философией клинических наук. Во время преподавания этого предмета студенты развивают первоначальное клиническое понимание и независимое мышление. Деловые игры служат примером интерактивного обучения в организации учебного процесса, мотивации к профессиональной деятельности будущих врачей и развития самостоятельного клинического мышления.

Ключевые слова: образование, медицина, инновационные технологии, патологическая физиология, клиническое мышление, студенты

**INNOVATIVE GAME ELEMENTS IN TRAINING THE SUBJECT "PATHOLOGICAL
USE PHYSIOLOGY" AS AN EFFECTIVE METHOD OF FORMING CLINICAL THINKING
IN FUTURE DOCTORS**

Samieva G.U., Narzulaeva U. R., Kholikova F. F., Saidova F. S., Lapasova Z. H.

Samarkand State Medical Institute

✓ **Resume**

It is no coincidence that the science of pathological physiology is the philosophy of clinical sciences. While teaching this subject, students develop an initial clinical understanding and independent thinking. Business games serve as an example of interactive learning in the organization of the educational process, motivation for the professional activity of future doctors and the development of independent clinical thinking.

Key words: education, medicine, innovative technologies, pathological physiology, clinical thinking, students.

Долзарблиги

Мамлакатимиз раҳбарининг парламентга Мурожаатномада пурмаъно бир гапни айтдилар: “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта кашшоқлик – бу билимсизликдир!”. Дарҳақиқат, илм-маърифатсиз тараккиёт бўлмайди. Шундай экан бугунги кунда тиббиёт йўналишидаги олий таълим даргоҳларида тиббий фанларни ўқитишда инновацион таълим технологиялардан самарали фойдаланиш ҳамда компитентликга асосланган ёндашув асосида талабаларда академик, касбий ва ижтимоий ваколатларини ривожлантириш учун шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Патологик физиология фани клиник фанларнинг фалсафаси деб бежизга айтилмаган. Ушбу предметни ўқитиш давомида талабаларда дастлабки клиник тушунча ва мустақил фикрлаш шаклланади. Ўқитиш жараёнини ташкиллаштиришда бўлажак шифокорларнинг касбий фаолиятига туртки ва мустақил клиник фикрлашни ривожлантиришда ишбилармонлик ўйинлар интерактив таълим наъмунаси бўлиб хизмат қилади. Сабаби ишбилармонлик ўйинлари жараёнида ўқитувчи марказий, фаол боғланишни эгалламайди, балки ўйин жараёнини бошқарувчи “модератор” ролини ўйнайди. Бу жараёнда анъанавий ўқитишдан фарқли ўлароқ талабалар мустақиллиги таъминланиб, уларнинг ўқиши, билими, интеллектуал ва амалий фаолиятини кучайтиришга ёрдам беради. Натижада талабаларнинг академик ва касбий ваколатлари ривожланишига ёрдам беради.

Ишбилармонлик ўйинининг бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотиб бораётган анъанавий оғзаки гапириб бериш усулидан ажралиб турадиган муҳим хусусиятларидан бири талабалар ўртасида ижтимоий ўзаро муносабатларни ривожлантиришни рағбатлантиришдир. Яъни жамиятга осон киришиш бемор билан муносабатга киришишда стимул вазифасини бажаради. Ахир бежизга айтишмайдику “Агар шифокор билан суҳбатдан кейин бемор ўзини яхши ҳис қилмаса, демак у шифокор эмас”.

Самарқанд давлат тиббиёт институтининг “Патологик физиология” кафедрасида Ишбилармонлик ўйинлари инновацион таълим технологияларини ўқитиш жараёнида қўллаш бугунги кунга келиб анъана тусига айланиб бормокда. Бунинг сабаби шундаки замонавий шароитда патофизиология фани назарий ва клиник фанлар ўртасидаги

“кўприк” ҳисобланиб, фаннинг асосий мақсади талабаларда клиник фикрлаш асосларини шакллантириш; Лаборатория ҳайвонларидан фойдаланишни минималлаштириш кабилардан иборатдир. Амалий машғулотлар давомида тажрибалар ўқув мультимедия презентациялари, видеофильмлар, виртуал лаборатория ишлари ва бошқалар билан алмаштирилади. Шундай қилиб талабаларнинг ушбу фанни ўрганишга бўлган мотивациясини ошириш учун замонавий таълим технологияларининг ишбилармонлик ўйинларидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Бу эса талабаларга ЖССТ мутахасисларининг “Патофизиология замонавий шифокор интелектининг асосидир” деган жумлаларини тушуниш имконини беради.

Ишбилармонлик ўйинини ташкил этиш учун ўқитувчи томонидан мавзу ва талабалар гуруҳининг тайёргарлик даражасига мос келадиган клиник ва патофизиологик вазиятли масалалар танлаб олинади. Гуруҳдаги талабалар эса ўйин қатнашчиси сифатида 2 та жамоага (5 ёки 6 тадан) бўлинади. Жамоа таркибидаги талабалар тайёргарлик ва ўзлаштириш кўрсаткичларига (“яхши” ва “қийин ўзлаштирувчи”) асосан бир хил даражада тақсимланади. Кейин уйин қондаси тушинтириб берилади. Биринчи гуруҳда бемор ва унинг қариндошларидан иборат бўлган жамоа бўлиб, улар беморда мавжуд касаллик ва патологик жараёнлар, касаллик аломатлари, уларнинг ривожланиш сабаблари ва механизмлари, даволашда этиотроп ва патогенетик ёндашувлар ва касаллик оқибати тўғрисида саволлар беришади. Иккинчи гуруҳ таркиби оила шифокори ва турли тор мутахасисликдаги шифокорлардан иборат бўлади. Ўйин бошланишидан олдин тиббий ахлоқ ва диеонтология учун ҳам рағбат ва жарима баллари мавжудлиги тушинтириш жуда муҳим шарт ҳисобланади. Бу талабалар ўртасида турли тушунмовчилик ва низоли вазиятлар юзага келишининг олдини олиб, касбий фаолиятидаги ахлоқ меъёрларига кўникма шакллантиришда зарурий шарт бўлиб ҳисобланади. Ўқитувчи 2 та жамоа ўртасидаги ҳар бир саволга берилган жавоб ва музокарадан сўнг слайдлар номойиши орқали тўғри жавобни кўрсатади ва балларни эълон қилиб боради. Вазифа бажарилгандан сўнг жамоалар роллари алмашади ва яна шу тартибда давом этади. Ушбу ишбилармонлик ўйинлари таълим технологиялари

талабаларда мунозаралар давомида ҳар бир вазиятли масалага нисбатан ўз нуқтаи назарини шакллантириш ва клиник фикрлашга ундайди. Гиппократ таъкидлаганидек «шифокорлик санъатининг муҳим қисми – ўз хулосаларини яхши шакллантириш қобилияти ва шунингдек бошқа шифокор томонидан ёзилганларни тўғри тушинишдир». Талабалар оғзаки нутқини шакллантириш ва ижтимоий кўникмаларини ривожлантиришни рағбатловчи ишбилармонлик ўйинларининг аҳамияти фойдасига таниқли шифокор В. Бехтеревнинг “талабалар дарс машғулотларига бир неча бор “шифокор” ва “бемор” ролида ташриф буюришади” деб таъкидлаганини эслаш жоиз бўлади.

«Патологик физиология» фанидан дарс ўтиш давомида ишбилармонлик ўйинлари кўринишидаги таълим технологияларини қўллаб келаётган ўқитувчиларнинг фикрича ушбу интерактив таълим усули анъанавий усулдан қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

- Талабаларнинг бутун ишбилармонлик ўйинлари давомида ижобий эмоцияларда бўлиши, анъанавий сўровлардаги ҳаяжон, хавотир ва ўзиг нисбатан ишончсизлик ҳиссининг йўқолиши;

- Умумий аниқ вазифани ҳал қилишда жамоа аъзоларининг бирлашиши умумий хулосага келиши келажакда консилиумлар ўтказишдаги тушунча ва кўникмани шакллантиради;

- Бутун дарс машғулоти давомида барча талабалар диққати аниқ вазиятли масалани ҳал қилишга қаратилганлиги эса талабаларнинг 100% дарс музокарасида иштирокини таъминлайди;

- Ҳар бир талабанинг шахсий хусусиятлари ва имкониятларини тўлиқ очиб бериш имконини;

- Анъанавий дарслардан фарқли ўлароқ беморлар, уларнинг қариндошлари ва шифокорлар ўртасидаги ижтимоий ўзаро муносабатларнинг моделларини шакллантириш имконини беради;

- Касбий сўз бойлигини кенгайтириш билан талабаларнинг касбий нутқ маданиятини ривожлантиришни рағбатлантиради;

- Ўйин вазиятининг динамиклиги, талабаларда вужудга келган муаммоларни кутилмаган тарзда ҳал қилишни таклиф қилганда уни қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш, худди

шифокорнинг амалиётида бўлгани каби қисқа вақтни талаб қилади;

- Клинк фикрлашнинг асослари амалиётларда шакллантирилади.

Патологик физиология фанини ўқитишда ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланиш дарс машғулотининг қўллаб мақсадларини амалга оширишга ёрдам беради жумладан: талабаларнинг берилган ўқув материални ўзлаштиришни осонлаштиради, так как благоприятствовало усвоению студентами учебного материала; интеграциялаш яъни бошқа тиббий фанлар билан ўзаро алоқадорлигини таъминлаш; тарбиявий ва мотивацион мақсадга эришилади, тўғрироғи ишбилармон ўйинлар талабаларни юзага келган вазиятли ҳолатларга ечим топишга ундайди; Талабаларда “шифокор-бемор”, “шифокор-бемор қариндошлари”, “шифокор-шифокор-ҳамкасб” каби ижтимоий ўзаро муносабатларни ривожлантиради.

Кейинги босқичда даволаш факультетининг 2-курс (n=80) ва 3 курс (n=80) талабалари ва кафедра ўқитувчилар (n=10) ўртасида ўтказилган аноним сўровномада ўқув жараёнининг ҳар иккала томонининг мамнунлиги баҳоланди. Сўровнома натижаларига асосан 78% талабалар дарсларни интерактив таълим технологияларининг ишбилармонлик ўйинларида олиб борилган дарсларни анъанавий дарсларга нисбатан қизиқарли ва мамнунлигини айтишган бўлса 68% талабаларда айнан патологик физиология фани сабабли клиник фикрлаш шаклланиб бораётганлигини таъкидлашган.

«Сиз қайси сабабларга кўра патологик физиология фани маърузаларига қатнашасиз?» деган саволга 87% талабалар «Ўқитувчи фанни тушиниш ва ўзлаштириш осон бўлган усулда олиб боради» деган жавоб вариантини белгилашган бўлса, 96% талабалар патологик физиология дарсига чуқур тайёргарлик кўриб, дарс жараёнини қизиқиш билан кутишларини айтиб ўтишган. Деярли 100% талабалар амалий дарсларда ишбилармон уйинларга асосланган таълим технологиялари ёрдамида ёрдамида клиник фикрлаш орқали ўқув дастурини осон ва қулай ўзлаштириш имконини бераётганлигини маъқуллашган ва ушбу усулдан кенг фойдаланишни тавсия қилишган. Кафедра ўқитувчиларида ўтказилган сўровномада эса ушбу ўқитиш усули фойдаланиш учун осон ва талабаларни анъанавий оғзаки сўров шаклига нисбатан қулай ҳамда бир вақтда параллел равишда

слайдларда кластер, кейс каби интерактив таълим технологияларидан самарали фойдаланиш имконини беради. Шунингдек ушбу ишбилармон ўйинлар дарсга ажратилган вақтдан унумли фойдаланиш бирга ўқитувчининг эмоционал чарчоқларини ҳам камайтиради.

Шундай қилиб, патологик физиология фанини ўқитишда ишбилармон ўйинларга асосланган интерактив таълим технологияларини қўллаш орқали бўлажак шифокарларда клиник фикрлаш асосларини ва касбий ахлоқ кўникмаларини шакллантириш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ibragimova G.N. development of creative thinking in students through interactive technology in the higher education system. Modern education / modern education 2017 (4), 31-35
2. Rusina N.A. Competence approach in the system of higher medical education / N.A. Rusina // Higher education in Russia. - 2010. - No. 2, pp. 100-107.
3. Carson D.R. Business games. Decision-making teaching method. M., 1977, 143 p.
4. Interactive teaching method in a medical university on the example of a role-playing game / A.I. Artyukhina // Successes of modern natural science. - 2014. - No. 4. - S. 122-126.

Келиб тушган вақти 09.05.2021